



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2019 йил «9» июль

№ 4796 а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № _____

Тумандаги «Издат Комул» хусусий корхонасига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига қайтариб олиш тўғрисида.

«Издат Комул» хусусий корхонаси раҳбари К.Рўзметовнинг «Каналларни қазинида чиққан тупроқдан ғишт ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида фойланиш» учун ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига қайтариб олишни сўраб туман хокимлигига йўллаган 2019 йил 16-февралдаги 1-сонли сўровномасини, Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман филиалининг 2019 йил 20-февралдаги хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси ва «Махалий Давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Маданият қишлоғи Найман канали химоя минтақасидаги 79-контурида жойлашган 3,5 га ер майдони ва Хўжалиқ қишлоғи худудидан АД-14, АД-14-3, АД-15, АД-17, АД-20 ва 749-745-709-718-695к контурларидаги зовурлар дамбаларидан 5,0 га ҳам карьер сифатида фойдаланилган жами 8,5 га ер майдонлари туман ер захира фондига қайтариб олинсин.

2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Норбоев)га «Издат Комул» хусусий корхонасига «Каналларни қазинида чиққан тупроқдан ғишт ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида фойланиш» учун жаратилган ер майдонини яъни 8,5 гектарни қонунда белгиланган тартибда туман ер захира фондига қайтариб олинишини таъминлаш ҳамда ер ҳисобини тузган вақтда ушбу ўзгаришни ҳисобга олиш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари Э.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани хокими

О.Холбоев